Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2014-yil, 30-yanvar. Payshanba • 14 (31.761) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

# СПОРТ ВА СОҒЛОМ ОИЛА – СОҒЛОМ БОЛА ВА СОҒЛОМ ЖАМИЯТ АСОСИ

**Президентимиз Ислом Каримов раислигида 28 январь куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди**

Давлатимиз раҳбари мазкур Жамғарма фаолият бошлаганидан буён ўтган йилларда эришилган ютуқлар, бу борада амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг аҳамияти ва натижалари хусусида атрофлича фикр юритди.

— Ёшларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан мутаносиб ривожлантиришга қаратилган бу тизимнинг йўлга қўйилиши ҳар томонлама тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда, — деди Президентимиз. — Шаҳару қишлоқларимизда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етмоқда. Фарзандларимизнинг иродаси тобланмоқда, турмуш тарзи, дунёқараши ўзгармоқда.

«Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир». Президентимиз Ислом Каримов томонидан мустақиллигимизнинг илк йилларида айтилган бу сўзлар мамлакатимизнинг истиқболдаги бош мақсадини, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишини белгилаб берган. Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки кунларидан узоқ истиқболни кўзлаб, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт, деган эзгу ниятни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

Истиқлол йилларида бу олижаноб мақсад йўлида миқёси ва аҳамияти жиҳатидан улкан ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда болаларнинг соғлом туғилиши ва соғлом улғайиши учун барча зарур шароитлар яратилди.

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, болалар ва ўсмирлар ўртасида спортни оммалаштириш, соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтириш, баркамол авлодни шакллантиришнинг ноёб тизими йўлга қўйилди. Болалар спорти таълим-тарбия соҳасининг узвий қисмига айланди.

2013 йилда болалар спорти объектлари, мусиқа ва санъат мактаблари барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари изчил давом эттирилди. 113 спорт иншооти ва сузиш ҳавзаси, 55 болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу объектларнинг 132 таси қишлоқ жойларда ишга туширилди. Бу мақсадлар учун 210 миллиард 400 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Президентимиз спорт мажмуалари, мусиқа ва санъат мактабларини ҳар томонлама сифатли қуриш, бунинг учун ихтисослашган пудрат ташкилотларини кўпайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади.

Болалар спорти объектларини қуриш ҳеч қачон тўхтамайди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади. Азиз болаларимиз камол топадиган бу мажмуаларни шундай чиройли ва мустаҳкам этиб қурайликки, бу биздан ўзига хос бир эсдалик, уларга меҳримизнинг ифодаси бўлсин, деди давлатимиз раҳбари.

Барча спорт мажмуалари замонавий спорт инвентарлари ва малакали мураббийлар билан таъминланаётгани туфайли уларнинг қамрови тобора кенгайиб бормоқда. Бугун мамлакатимизда 2 миллионга яқин бола спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Битта спорт иншоотидан ўртача кунлик фойдаланиш вақти 9,5 соатни ташкил этмоқда.

— Болалар учун барпо этиладиган ҳар бир иншоотни қалб қўримизни бағишлаб қуришимиз керак. У ерда шуғулланган болалар шундай имкониятлардан мамнун бўлиб, эзгу мақсад ва интилишлар билан яшасин. Зеро, фарзандларимизни хурсанд қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун шароит яратиш бизнинг бурчимиз, — деди Президентимиз.

Болалар спорти объектлари асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозланмоқда. Бугунги кунда 120 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарининг 116 таси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакатимизда қизларни спортга жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар учун миллий менталитетимизга хос кийимлар ишлаб чиқарилмоқда, аёл мураббий ва ўқитувчиларни тайёрлашга кенг ўрин берилаётир.

Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида ўқувчи қизларга спорт кийимлари топширилмоқда. Бу қизлар ўртасида спортнинг янада оммалашиши, уларнинг соғлом, бақувват ва дуркун бўлиб улғайишида муҳим омил бўлмоқда. Бугун юртимизда 842 минг нафарга яқин қизлар спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Давоми 2-бетда.

**ЎзХДП: устувор вазифалар**

*Маҳаллий Кенгашларда кўрилган масалалар, чиқарилган хулосалар умумлаштирилиб, парламент даражасида муҳокама қилиш учун мустаҳкам асос бўлади.*



# Юртимизни жадал ривожлантиришда

## партия ташкилотлари ва партия гуруҳлари фаоллик кўрсатиши зарур

Давоми 2-бетда.

Бугун туман ёки шаҳарни ривожлантириш билан боғлиқ қандай масалалар долзарб бўлиб турибди? Аҳолини нималар кўпроқ ўйлантираяпти? Ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш борасидаги сусткашликларни ўз вақтида бартараф этиш учун нималар талаб этилаяпти?

Бу каби саволлар устида чуқур ўйлаш, уларга жавоб излаш партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг долзарб вазифасига айланиб, улар фаолиятини такомиллаштириб боришини тақозо этмоқда. Айниқса, ҳудудлар, соҳа ва тармоқларни ривожлантириш бўйича муқобил амалий таклифлар бериш, масъулият ва жавобгарликни ўз зиммасига дадил олиш талаб қилинаяпти.

**Муносабат**

# Обод қишлоқлар

## юрт кўркига айланиб, одамлар кўнглини тоғдек кўтармоқда

***Ҳар сафар туманимизнинг Чусткўприк маҳалласи Янги Ахсикент массивида қад ростлаётган намунавий лойиҳалар асосидаги бири-биридан шинам ва кўркам уйлар атрофидан ўтганимда кўнглим тоғдек кўтарилади. Беихтиёр яқин ўтмишдаги аҳволимиз ёдга тушади. Тўғриси, қишлоқ одамларига бунақа уйлар насиб этиши тушимизга ҳам кирмаган эди.***



**Фахриддин КАМОЛОВ, ЎзХДП Тўрақўрғон туман кенгаши раиси.**

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида бугунги кунда аҳолини ҳар томонлама шинам ва қулай уй-жойлар билан таъминлаш, уй-жой массивлари атрофидаги инфратузилмани обод қилиш юзасидан олиб борилаётган улкан ишлар одамларнинг кайфияти ва дунёқарашига, уларнинг ҳаёт сифатига қандай кучли таъсир кўрсатаётгани ҳақида алоҳида тўхталди.

Бунинг тасдиғини биргина бизнинг туманимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. 2010 йилдан буён намунавий лойиҳалар бўйича уч юздан зиёд уй-жойлар қурилди. Натижада қишлоқ аҳолисининг яшаш тарзи бутунлай ўзгариб, турмуш маданияти юксалди.

Пишиқ ғиштдан, барча шароитлар ҳисобга олиниб, ошхона, меҳмонхона, болалар хонаси, ёзги айвон, ётоқхонасигача пухта режа асосида қурилаётган уйларда қишлоқ аҳолиси яйраб яшамоқда, тўйлар қилмоқда.

Айниқса, уйнинг пули 15 йил муддат мобайнида кредит асосида тўланиши халқимиз учун жуда катта имкониятдир. Имтиёзли фоизлардаги банк кредитини қайтариш учун йўналтириладиган суммага солиқ солинмаслиги манзилли ижтимоий ҳимоя, аҳолини аниқ йўналтирилган асосда қўллаб-қувватлашнинг энг самарали шаклларидан биридир.

Ўтган йили Тўрақўрғон ижтимоий-иқтисодий сервис касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси, ЎзХДП ҳудудий бошланғич ташкилоти етакчиси Бахтиёр Одилов ҳам оиласи билан Янги Ахсикент массивидаги уйлардан бирига кўчиб кирди. Унинг уйидаги шароитларни кўриб, очиғи кўпчилигимизнинг ҳавасимиз келди.

2014 йилда Янги Ахсикентда яна 100 та уй-жой қурилади. Ҳозирданоқ бу уйларга талабгорлар кўп. Одамлар қишлоқ уй-жойлари борасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини аллақачон тушуниб етган.

Албатта, аҳоли турмуш даражасининг ортиши, маиший шароитларининг яхшиланиши, энг аввало, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг манфаатларига хизмат қилади. Шу боис партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларимиз намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойларнинг сифатли қурилиши, унга ажратилаётган маблағларнинг самарали сарфланиши устидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини ўрнатишга жиддий эътибор қаратишимиз зарур.

**Янги қонун кучга кирди**

# Давлат бюджетининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда

Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида 2013 йилда давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар умумий харажатларнинг 59,3 фоизини ташкил этгани алоҳида таъкидланди.

Давлат бюджети мақсадли маблағларнинг марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари, тушумлар миқдори, йил мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағларнинг йўналишлари ва миқдори акс этади. Шу боис давлат бюджети даромадларининг тўғри ва тўлиқ шакллантирилишини таъминлаш ҳамда харажатларни тўғри йўналтириш алоҳида аҳамиятга эга. Бунда ушбу жараённинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиши муҳим роль ўйнайди.

Мамлакатимизда бюджет муносабатларининг қонунчилик базасини янада мустаҳкамлаш, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2013 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими маблағларини шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш, ижро этиш, давлат томонидан маблағ жалб қилиш ва бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилишга оид муносабатларни тартибга солувчи «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Давоми 2-бетда.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

**Партия позицияси**

**электорат манфаати ҳимоясига хизмат қилиши лозим**



www.uzbekistonovozi.uz

**Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат этган эдим**

*Кексалар ва ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун мўлжалланган санаторийда дам олиб, саломатлигимни тикладим.*

***Нафақадаман. Иссиқ жоннинг иситмаси бўлади, деганларидай, бетобланиб қолдим. Шифокорлар санаторийга боришимни маслаҳат берди. Бунинг учун маблағ зарур, албатта. Менда эса бунга имконият етарли эмас эди. Нима қилиш, кимдан ёрдам сўраш мумкин?***

Ўйлай-ўйлай ўзим аъзо бўлган сиёсий партияга мурожаат этишга қарор қилдим. ЎзХДП вилоят кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасида жуда яхши кутиб олишди. Мени вилоят партия кенгаши раисининг ўзи қабул қилди. У кишига нима масалада келганлигимни айтдим, ёрдам сўрадим.

Менга мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга жуда катта эътибор берилаётгани, пенсионерларга ҳам алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиши, фақат улардан тўғри фойдаланиш зарурлигини тушунтиришди. Ўша куниёқ вилоят партия кенгаши масъул ходими ҳамроҳлигида тегишли идораларга бориб, зарур ҳужжатларни тайёрладик. Мен шаҳарнинг сўлим масканида жойлашган «Жиззах» кексалар ва ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун мўлжалланган санаторийда дам олиб, саломатлигимни тикладим. Икки ҳафта давомида қўшимча муолажалар олдим. Бу даргоҳда шифокорлар мен каби фахрийларга аъло даражада хизмат кўрсатишларига гувоҳ бўлдим. Ўзимни яхши ҳис қила бошладим.

Ҳозир уйдаман. Кайфиятим яхши. ЎзХДП вилоят ҳамда шаҳар кенгашлари фаоллари, депутатлар тез-тез хабар олиб туришибди. Буларнинг ҳаммаси учун уларга чин кўнгилдан миннатдорлик билдираман.

Юртимизда ҳамма нарса инсон бахти, фаровон турмуш кечириши учун эканини яна бир марта ўз ҳаётим мисолида кўрдим.

**Людмила ДВОРНИКОВА,**
**Жиззах шаҳри,**
**«Маданият» маҳалласи.**

**КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:**

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Сурхондарё вилоят кенгаши ҳамкорликда «Партия дастурий мақсадларини тарғиб этишда етакчиларнинг ўрни ва уларнинг фаоллигини ошириш» мавзуида ўқув семинар ўтказди. Партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда тарғибот ва ташвиқот ишларини яхшилаш масаласига бағишланган мазкур тадбир тафсилотлари билан газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида танишасиз.

# СПОРТ ВА СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ БОЛА ВА СОҒЛОМ ЖАМИЯТ АСОСИ

Давлатимиз раҳбари қизларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенгроқ жалб қилиш зарурлигини, бунинг учун маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллигини ошириш, оилалар билан доимий ишлашни янада кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Оила қачон бахтли бўлади? Аёл бахтли бўлса! Аёл қачон бахтли бўлади? Фарзандлари соғ-саломат бўлса! Бунинг учун оилада соғлом муҳит шаклланиши, аввало, ота-она спорт билан шуғулланиши керак, деди Ислом Каримов.

Фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб улғайишида жойларда ташкил этилаётган турли спорт мусобақалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёшлар орасида спортга қизиқиш, соғлом бўлишга интилиш кучайиб бормоқда.

Уч босқичли спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари ёшларни спортга кенг жалб этиш, профессионал спортчиларни тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда.

2013 йилда ҳам мамлакатимиз спортида улкан муваффақиятларга эришилди. Пойтахтимизда ўсмирлар ва қизлар ўртасида оғир атлетика бўйича IV жаҳон чемпионати, дзюдо бўйича Гран-при туркумидаги халқаро мусобақа, бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпионати юксак савияда ўтказилди.

Олти ёшли шахматчимиз Исломбек Синдоров Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида учта олтин медални қўлга киритди. Нафиса Мўминова ўзбек қизлари ўртасида биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлди.

Оғир атлетикачи Руслан Нурудинов Польшада ўтказилган жаҳон чемпионатида, дзюдочимиз Яҳё Имомов Францияда ўтган «Катта дубулға» туркумидаги халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллади.

Президентимизнинг 2013 йил 3 декабрдаги фармонига мувофиқ Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга салмоқли ҳисса қўшган бир гуруҳ истеъдодли ёшлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланиши мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Бу йил «Баркамол авлод» мусобақаларининг финал босқичи Наманган вилоятида ўтказилади. Шу муносабат билан бу ерда бир қатор янги спорт мажмуалари қурилмоқда, ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон қилинган жорий йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаяди. Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини ва аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилади.

— 2014 йилни мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон қилдик. Бу масалага янгича қарашни, масъулиятни янада оширишни талаб этади. Бу ҳақда сўз борганда, халқимиз қалбидан чуқур жой олган, эзгу даъватга айланиб бораётган бир шиорни эслаш ўринли, деб биламан. Яъни, соғлом бола — аввало соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир. Спорт ана шундай оилаларни шакллантирадиган энг яхши воситалардан биридир. Спорт билан шуғулланган йигит-қизлар соғлом ва бақувват, фикри тиниқ бўлади. Келгусида фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялайди. Бундай оилалар кўпайса, бутун жамиятимизнинг соғлом муҳити янада мустаҳкамланади, — деди Президентимиз.

Мажлисда Ҳомийлик кенгашининг 2013 йил 15 март куни бўлиб ўтган йиғилишида белгиланган вазифаларнинг ижроси атрофлича таҳлил этилди. Спорт иншоотлари ва сузиш ҳавзаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни зарур спорт анжомлари ва инвентарлари билан жиҳозлаш, спорт мажмуаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, малакали мураббийлар, айниқса, аёл спорт устозларини тайёрлаш бўйича амалга оширилган ишларга эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш, қизларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган спорт анжомларининг турини кенгайтириш ва сифатини янада яхшилаш, шу соҳада фаолият олиб бораётган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига доимий эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда 2014 йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўриб чиқилди. 115 спорт объекти ва 48 болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, уларни зарур анжом ва ускуналар билан таъминлаш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди. Бу борада йўл қўйилаётган айрим камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф этиш зарурлиги таъкидланди.

2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларига тайёргарлик ишлари ҳам кўриб чиқилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бугун бошқаларнинг ҳавасини тортаётган ташкилотга айлангани барчамизга мамнуният бағишлайди. Бу ҳаракат самараларидан баҳраманд бўлаётган болалар ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етмоқда. Бу халқимиз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмагани, ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигининг яна бир ҳаётий тасдиғидир, деди пировардида Президентимиз.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р.Азимов, Бош вазир ўринбосарлари Э.Боситхонова, Б.Зокиров, А.Икромов, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси президенти М.Усмонов, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг ахбороти тингланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Давоми. Боши 1-бетда.*

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари иштирокида Оҳангарон туманида шу мавзуда давра суҳбати ўтказди.

# «Саломатлигимиз ўз қўлимизда»

Тадбирда ёшларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун яратилган шарт-шароитдан самарали фойдаланиш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришни тарғиб қилиш масалалари хусусида фикр алмашилди.

— ЎзХДП Сайловолди дастурида инсон саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган, — дейди **ЎзХДП Оҳангарон туман кенгаши раиси Лазиз ҲАСАНОВ.** — Шундан келиб чиқиб, ўтказилаётган тадбирларимизда ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг тиббий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Туманимизда 122800 нафар аҳоли истиқомат қилса, шундан 69546 нафари, яъни 56 фоизини ёшлар ташкил қилади. Ёшларнинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши мамлакатимизнинг бугуни ва эртанги куни қандай бўлишини ҳал қиладиган асосий омиллардан ҳисобланади. Шунинг учун биз туман тиббиёт бирлашмаси, ИИБ, ФҲДЁ бўлими билан ҳамкорликда бу борада учраётган масалаларнинг ечимини топишга ҳаракат қиляпмиз.

— Ҳозир давлатимиз томонидан соғлом авлодни тарбиялаш, фарзандларимиз биздан-да бахтли бўлиши учун беқиёс ишлар амалга оширилмоқда, — дейди **Туман тиббиёт бирлашмаси шифокор-гинекологи Умсиной Эргашева.** — Афсуски, айрим ота-оналар қизларни эрта турмушга бериши оқибатида кўнгилсиз воқеалар учраб турибди. Ёш турмуш қуриш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ носоғлом зурриёд дунёга келишига асосий сабаб бўлиши тўғрисида кўп гапираяпмиз. Лекин ота-оналар орасида бунга етарли эътибор бермаётганлари ҳам борлигидан кўз юма олмаймиз. ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар ва «Фаол аёллар» қанотлари билан ҳамкорликда таълим муассасаларида мунтазам давра суҳбатлари, учрашувлар, мулоқотлар ташкил қилиб бораяпмиз. Аммо ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, тарғибот ишларини янада таъсирчан усулларда олиб бормасак кўзланган мақсадга етиш қийин.

— Туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими қошида «Оила дорилфунуни» машғулотлари мунтазам ташкил этилаяпти, — дейди **Оҳангарон туман 2-сонли ФҲДЁ бўлими раҳбари Садоқат Сатторова.** — Уларда шифокорлар, ҳуқуқшунослар, хотин-қизлар қўмиталари ходимлари, ХДП «Фаол аёллар» қаноти фаоллари ёшларга никоҳгача тиббий кўрикдан ўтишнинг зарурати, қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳнинг олдини олиш, унинг салбий оқибатлари хусусида тушунчалар беришмоқда. Назаримда, бундай тадбирларни ота-оналар ва ёшларнинг биргаликдаги иштирокида кўпроқ ташкил қилиш зарур. Сабаби, бизнинг халқимизда тўй қилиш ташаббуси асосан катталардан чиқади...

Тадбирда оилада, жамиятда тиббий маданиятни ошириш бўйича савол-жавоблар бўлди. Бу каби тадбирлар ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларда ўз соғлигига масъулиятни янада оширишга хизмат қилади.

**Меҳрож ДАРХОНОВ**

ЎзХДП: устувор вазифалар

***Маҳаллий Кенгашларда кўрилган масалалар, чиқарилган хулосалар умумлаштирилиб, парламент даражасида муҳокама қилиш учун мустаҳкам асос бўлади.***

# Юртимизни жадал ривожлантиришда

## партия ташкилотлари ва партия гуруҳлари фаоллик кўрсатиши зарур

ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан Амударё туман кенгашида ўтказилган семинарда ана шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Унда партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Қорақалпоғистон республика ва Хоразм вилоят, улар таркибидаги туман ва шаҳар партия кенгашлари раҳбарлари, масъул ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари иштирок этди.

Семинарда Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларида билдирилган танқидий-таҳлилий фикрлар, факт ва рақамлар, илгари сурилган ғоялардан келиб чиқиб, партия ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари олдидаги муҳим вазифалар муҳокама этилди.

**Куват ҚУРБАНБАЕВ,**
**ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси:**

— Аввало, аҳолининг ижтимоий муҳофазага эҳтиёжманд вакилларини қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда биринчи навбатда касб-ҳунар коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш биз учун ҳар доим устувор масала бўлиб қолаверишини унутмаслигимиз лозим.

Янги иш ўринлари яратилишида ҳудудларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, стратегик мақсадларидан келиб чиқиб, партиямизнинг аниқ позициясини кўрсатишимиз керак. Биринчидан, бу борадаги қонун ва қарорлар ижроси устидан депутатлик назоратини ошириш, фойдаланилмаётган имкониятлар бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқишимиз талаб этилади. Бундан ташқари, янги очилаётган иш жойларида тўланадиган маош ҳудуддаги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаслигига эришиш ҳам олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир. Агар шу мақсадларга эришсак, сайловларда бизга ишониб овоз берган кишиларнинг манфаатини таъминлаган бўламиз.

**Назира МАТЁҚУБОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— Маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари шу ҳудуддаги аҳолини ўйлантираётган масалаларни яхши билади. Муаммони қандай қилиб ҳал этиш бўйича аниқ таклифларга эга бўлишимиз ҳамда уни вакиллик ҳокимияти муҳокамаларига олиб чиқиб, ҳаётда самара берадиган қарорлар қабул қилинишига эришишимиз лозим. Ҳар бир партия гуруҳи шундай ишласа, маҳаллий Кенгашларда кўрилган масалалар, чиқарилган хулосалар умумлаштирилиб, парламент даражасида муҳокама қилиш учун мустаҳкам асос бўлади. Шунда биз кўтарган масала комплекс ҳал этилади.

**Раимберган САБУРОВ,**
**ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:**

— Демократик ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи сиёсий партиялар фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишни, ҳам партия ташкилотлари, ҳам партия гуруҳлари ишини кучайтиришни талаб этмоқда. Бунинг учун бизда ҳамма ҳуқуқий асослар мавжуд. Фақат астойдил ишлашимиз, бизга ишонч билдирган сайловчи ва электорат манфаатларини тўлақонли таъминлашимиз керак.

Хоразм вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашлари ўз олдидаги вазифаларни имкон қадар бажариб келмоқда. Мисол учун, айрим партия гуруҳлари ўтган йилнинг бошида халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига масала киритган бўлса, йилнинг охирида сессия қарори ижроси яна бир бор сессияда муҳокама этилаяпти. Бироқ айрим партия гуруҳлари, партия ташкилотларида ташаббускорлик ва қатъият етишмаяпти. Масалани сессияга киритиш яхши, аммо унинг асосий натижаси ва самарали ижроси ҳисобланади. Биз ана шу жиҳатга эътиборни янада кучайтиришимиз лозим.



**Боймурод ЮСУПОВ,**
**ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири:**

— Асосий вазифамиз ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ экан, биз бу борадаги ишларимизни аниқ белгилаб олишимиз лозим. Жорий йилда давлат бюджети харажатларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилганини эътиборга олиб, унинг мақсадли сарфланиши борасида маҳаллий ҳокимият органлари, бюджет ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтиришимиз зарур. Шунингдек, бандлик дастури, иш ўринлари яратишга кўмаклашиш, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш масалаларида партия гуруҳларининг фаол иштироки муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, партия гуруҳи сессияга киритилаётган масалани чуқур билиши, ҳал этиш бўйича ўзининг аниқ таклифини бериши керак. Шунда у партиянинг позициясини намоён этган бўлади.

**Семинарда халқ депутатлари Қорақалпоғистон республика ва Хоразм вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзоларининг 2013 йилдаги фаолияти сарҳисоб қилинди. Маълумотларга кўра, халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари 2013 йилда 20 масалани партия гуруҳларида муҳокама этган, 8 та масала эса халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларига уларнинг ташаббуси билан киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилган. Халқ депутатлари Хоразм вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари эса ўтган йили 12 та масалани кўриб чиққан, 5 та масалани сессиялар муҳокамасига олиб чиққан.**

Шу ўринда савол туғилади: ҳудудлардаги ижтимоий масалаларни ҳал этиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш учун бу натижалар етарлими? Ҳар бир депутат ўз фаолиятига танқидий ёндашиб, бу саволга холис жавоб беришга интилиши керак.

Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда ташаббус ва қатъият кўрсатаётган, Жамоатчилик қабулхоналари ишида фаол иштирок этаётган, доимий комиссиялар, маҳаллий Кенгаш сессияларига масалалар киритишда намуна бўлаётган партия ташкилотлари ва партия гуруҳларининг иш тажрибасини оммалаштириш борасида тавсиялар берилди.

Семинарда сўзга чиққанлар коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласида мутасадди раҳбарларнинг ахбороти ва ҳисоботларини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияси ва доимий комиссияларда, партия гуруҳи йиғилишларида эшитиб бориш масаласига алоҳида эътибор қаратишди. Шунингдек, ҳудудларни комплекс ривожлантиришнинг ҳар томонлама пухта ўйланган истиқболли режаларини ишлаб чиқишда Соғлом бола йилида белгиланган вазифалар ижросида фаол иштирок этиш, таъсирчан депутатлик назоратини олиб бориш лозимлиги қайд этилди.

Тадбир якунида 2014 йилда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда партия ташкилотлари ва партия гуруҳлари масъулиятни янада ошириши зарурлиги таъкидланди. Шу асосда навбатдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

**Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

◄ *Давоми. Боши 1-бетда.*

Янги қонун кучга кирди

# Давлат бюджетининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда

Мазкур қонунда 2014-2015 йилларда мамлакатимизда Бюджет кодекси нормаларига амал қилиш ва самарадорлигини мунтазам равишда мониторинг ва таҳлил қилиб боришни таъминлаш, зарур ҳолларда нормаларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларни киритиш белгиланган. Таъкидлаш жоизки, Бюджет кодексининг қабул қилиниши амалдаги айрим қонун ҳужжатлари нормаларини қайта кўриб чиқиш ҳамда уларга тегишли ўзгартишлар киритишни тақозо этди. Шу муносабат билан 2013 йил 27 декабрда «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

— Тўрт моддадан иборат ушбу қонунда бюджет соҳасидаги қонунчиликнинг янада такомиллашуви, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, уларни тақсимлашда маҳаллий Кенгашлар ҳамда ташқи давлат қарзи микдорини белгилаш жараёнида парламент назоратини кучайтиришга оид қоидалар ўз аксини топган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими Улуғбек Алоев. — Мисол учун, Бюджет кодексининг 27-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туман ва шаҳарлар бюджетларини вилоят, туман ва шаҳарлар ҳокимларининг тақдимномасига мувофиқ кўриб чиқиш ва қабул қилиш ваколати маҳаллий Кенгашларга берилган.

Кодекс қабул қилингунга қадар бюджет муносабатлари, хусусан, бюджет тизими тузилиши, бошқариш асослари, даромадларни шакллантириш ва харажатларни амалга ошириш каби тамойиллар, Давлат бюджети маблағлари билан операцияларни амалга ошириш жараёнида ҳисобга олиш, ҳисобот ва назорат қилиш тартиби «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинар эди. Давлат мақсадли жамғармаларининг ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг ғазна ижроси соҳасидаги муносабатларда «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги қонун муҳим аҳамият касб этарди. Эндиликда бу муносабатлар Бюджет кодексида такомиллаштирилган ҳолда ўз ифодасини топгани боис ушбу қонунлар ўз кучини йўқотди.

Мухтасар айтганда, «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонун соҳани тартибга солувчи пухта ҳуқуқий асосдир. Киритилган ўзгартиш ва янгиликлар халқаро тажрибага асосланган бўлиб, бюджет жараёни ҳамда тизимининг самарадорлиги ва очиқ-ошкоралигини янада оширишга хизмат қилади.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

◄ *Давоми. Боши 1-бетда.*

O`ZBEKISTON OVOZI
• 2014-yil, 30-yanvar.
Payshanba • 14 (31.761)-son
www.uzbekistonovozi.uz



**2014 йил — Соғлом бола йили**

*Соғлом боланинг кўзига бутун олам беғубор кўринади.*

# КЎЗ ЮМИБ КЎРГАНЛАРИМ...

***Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Эшқобил Шукур билан суҳбат***

**Ёзувчи О.Генрининг «Вақт қиймати» ҳикоясида 5 яшар болакай доим ишдан кеч қайтувчи отасини кутиб, мижжа қоқмайди. Бир куни у отасидан бир соатда қанча пул топишини сўрайди.**

*— Тузукроқ савол тополмадингми, жуда чарчаганман, бошимни қотирма, — дейди ота.*

*— Мен шунчаки билмоқчи эдим, бир соатда қанча пул топасиз? — оёқ тираб олади бола.*

*— Бир соатда 20 доллар топаман, қўзичоғим.*

*Бола жавобдан хурсанд бўлиб, отасидан 10 доллар қарз бериб туришини илтимос қилади. Отанинг ғазаби келиб, ўғлига кераксиз ўйинчоқлар учун сариқ чақа ҳам бермаслигини уқтиради. Болакайнинг кўзлари ёшланиб, хонасига кириб кетади.*

*Шу кеча отанинг уйқуси келмайди. Фарзанди нега пул сўради экан? Кейин 10 долларни олиб, ўғлининг хонасига киради. Бола ҳамон уйғоқ эди.*

*— Мени кечир, эркатойим, — дейди ота қилган ишидан уялиб. — Мана сенга 10 доллар, олақол.*

*Болакай ёстиғининг остидан ғижимланган пулларини олиб, отасига тутқазади.*

*— Мана, энди пулингиз 20 доллар бўлди. Мен бир соат вақтингизни сотиб олмоқчиман. Илтимос, эртага уйга вақтлироқ келинг, бирга тушлик қилмоқчи эдим, — дейди...*

***— Турмуш ташвишлари билан бўлиб, болаларга камроқ вақт ажратамиз. Бу ота-онанинг тарбиячи мақомига шикаст етказмайдими?***

— Аввало, ким масъулиятни қай даражада бўйнига олади, мана шуниси муҳим. Мен буни «оммавий маданият» ҳақидаги мақолаларимда ҳам ёздим. Ота-онанинг тарбиячилиги бу — доимий мақом. Чунки ота-она боланинг илк кўз очиб кўргани, таъсирчиси. Кейинчалик қўшнилар, маҳалла, мактаб бу жараёнларнинг давомчиларига айланади. Жаҳон саҳнасида оила аталмиш қўрғоннинг йўқолиш хавфи бор. Урғуни бир жиҳатга беришни истардим: ота-она ҳам, бола ҳам ўз танасини, қалбини, руҳиятини омон сақлай олсин. Зеро, тан беморлиги руҳиятнинг илк синдирувчиси. Агар бола шу икки уйғунлик билан улғайса, улуғларимиз айтганидек, уни ҳеч ким енга олмайди. Агар улардан бири оқсаса ҳам инсон ҳар қадамида тушкунликка тушади, мағлубиятга учрайди. Болалик — тана ва руҳ энг таъсирчан бўлган давр. Ёш вужуд ташқи таъсирларни ҳеч бир тўсиқларсиз қабул қилади. Арзимас бўлиб туюлган ҳолат ҳам унинг мўрт туйғуларини синдириб қўйиши мумкин.

***— Айтинг-чи, соғломлик тушунчасида жисмоний етукликдан ташқари нималарни кўрасиз?***

— Албатта, жисмоний етуклик соғломликнинг ташқи белгиси. Кейин унда онг шаклланади. Халқимиз топиб айтган: соғлом танда — соғ ақл. Ҳар бир ота-онанинг орзуси шу: болам соғлом бўлсин дейди. Жисмоний етуклик доимо маънавий етуклик билан мувозанатда бўлиши керак. Демак, 2014 йилнинг Президентимиз томонидан «Соғлом бола йили» деб аталишининг ҳикмати ҳам шунда.

***— «Эътироф — 2013» танловида «Кўз юмиб кўрганларим» китобингиз мукофотга лойиқ топилди. Ушбу китоб бола тилидан сўзласа, уларга нима деган бўларди?***

— Бу ҳақида ўйлаб кўрмаган эканман. «Кўз юмиб кўрганларим» болаликдан ҳозиргача яшалган умрнинг бир муддат кўз юмиб қилинган сарҳисоби. Аслида бу ҳаёт инсоннинг кўз очиб кўргани. Унда муюлишлар, довонлар, ютуқлар ва ютқизиқлар бор. Булар кўз юмиб ўйланганда теранроқ гавдаланади. Китобимда бола тилидан айтилган шеър бор. «Ўзим қалдирғоч бўлсам, Сўзим бўлса суюнчи» деб бошланади. Бу мурғак қалбнинг Ватан ҳақида ўйлари, деганлари. Дунёни ўз қаричида ўлчаб, ўз кўзларида кўрганлари. Аммо улғайиш ҳар бир бошда бор. Ўшанда ўтган йиллар ва йўлларни қалб чиғириғидан ўтказиш, юрак тарозусида тортиб кўриш керак бўлади. Кўз юмиб кўриш аслида шу меъзонларга асосланган.



ЎзА олган сурат.

«Кўз юмиб кўрганларим» тилга кирса, болаларга ҳам, катталарга ҳам шундай дер эди: азалий одатларимизни, миллийлигимизни, руҳиятимизни асрайлик, жонлантирайлик...

***— Фарзандларингизга Ватан туйғусини қандай сингдирасиз? Уларнинг саволларига қай мақомда жавоб берасиз, қаттиққўл ота ёки дўст?***

— Мен уларга отам, онам, момом ва бобом ҳақида айтиб бераман. Чунки ўзимга ҳам шундай сабоқ беришган. Бу бола улғайгани сари кенгроқ тушунтириб бориладиган жараён. Кейин болаларимга Ўзбекистон манзараларини кўрсатаман. Чунки Ватанни, аввало, кенглик билан англаш керак. Тоғлар, далалар, яйловлар инсоннинг тасаввурини кенгайтиради. Аслида бу жойлар ҳар бир инсоннинг кўнглида яшаши керак бўлган манзаралар. Бизда яхши одат бор, қадрли нарсаларга муқаддас сўзларни қўшиб айтамиз: Она ер деймиз, ота макон деймиз, бобо тоғ деймиз. Жанубий Корея сафарида корейс дўстларга мана шулар хусусида гапирган эдим. Бу тимсолларни қаердан олганимни сўрашди. Халқимдан олганман, дедим фахрланиб. Биз томонда дарёга ҳам она сўзини қўшиб айтишади, десам ишонишмади. Тоғни бобо дейишимизни, Боботоғ деган улкан тоғимиз ҳам борлигини айтдим. Аммо улар барибир таржимондан бу халқ ростдан ҳам тоғни бобо дейишадими, деб сўраб кўрди. Бунга ўзим гувоҳман.

> ***Ватанни, аввало, кенглик билан англаш керак. Тоғлар, далалар, яйловлар инсоннинг тасаввурини кенгайтиради. Аслида бу жойлар ҳар бир инсоннинг кўнглида яшаши керак бўлган манзаралар. Бизда яхши одат бор, қадрли нарсаларга муқаддас сўзларни қўшиб айтамиз: Она ер деймиз, ота макон деймиз, бобо тоғ деймиз.***

***— Дунё миқёсида ҳамма болалар ҳам тўқ, соғлом ва бахтли эмас. Бемор бола билан соғлом боланинг ҳаётий қарашларида қандай фарқни сезасиз?***

— Бу жуда оғир савол. Ҳеч ким боласининг касал бўлишини истамайди. Бемор боланинг кўзига қарашдан оғири йўқ. Айниқса, ота-она учун. Агар беморлик боланинг руҳиятига ўтса, бу катта фожиа. У теварак-атрофни, дунёни хомуш ва бахтсиз тасаввур қила бошлайди. Фикрлаши, хатти-ҳаракатларида ҳам тушкунлик аломатлари сезилиб туради.

Соғлом боланинг кўзига бутун олам беғубор кўринади. У ҳалок бўлаётган ҳайвондан тортиб, қуриб бораётган дарахтни ҳам қувноқ кўриши мумкин. Негадир фарзандим чизган суратлар эсимга тушди. У нимани чизса, албатта унда кулиб турган лаблар бўларди. Тоғ дейсизми, дарахт дейсизми — ҳаммасида шу ҳолат. Бир куни ундан нега қуёшни кулиб турган ҳолатда чиздинг, деб сўрасам, қуёшнинг ўзи кулиб турибди-ку, дейди. Кўрдингизми, бола сўзларида қандай ҳарорат бор. Менимча, инсонни ҳаётда ушлаб турувчи куч муҳаббат ва қувноқлик бўлса керак.

***— Тўрт яшар бола Абдулла Ориповнинг «Онажон» шеърини ёддан айта олишига гувоҳ бўлдим. Кимдир бу болага оғирлик қилади деса, баъзилар буни маъқуллашди.***

— Инсон ҳаётида маълум бир фасллар бўлади. Менимча, у ўша фаслларга ҳамоҳанг яшаши керак. Яъни, болаликни болаларча, йигитликни йигитларча, кексаликни донишмандларча. Агар олтмиш ёшли одам ёш боланинг қилиғини қилса, кулгига қолади. Унга ўз даражасидаги феъл-атвор ярашади. Аммо боланинг болалиги қандай бўлиши ҳақида ҳам аниқ бир гап айтиш қийин. Чунки хотира, идрок ҳаммада бир хил эмас. Агар у катталар ҳам эсда сақлаши қийин бўлган шеърларни ёдлаган бўлса, бу унинг имконияти юқорилигидан далолат. Бундан фақат хурсанд бўлиш керак. Бизнинг улуғларимиз илмга жуда эрта киришишган. Абу Али ибн Сино, Имом ал-Бухорий, Мирзо Улуғбек каби боболаримиз болалигиданоқ замонасини лол қолдирган. Масалан, Алишер Навоий беш ёшида Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асарини ёддан билган. Агар шу мезон билан қаралса, ўша болага нисбатан илиқ фикрларни айтиш мумкин. Шахсан мен истеъдодни қорачиқдай асраш тарафдориман. Чунки иқтидорли болалар ўта нозик ва таъсирчан бўлади. Кичкинагина рағбат ёки эътиборсизлик ҳам унинг дунёсини остин-устун қилиши мумкин. Иқтидорли боланинг тарбияси одатдагидан ўн баравар қийин кечади. Уларнинг муваффақияти ҳам шунга яраша бўлади.

**ЎзМУ журналистика факультети магистранти Бобур ЭЛМУРОДОВ суҳбатлашди.**

**Йўл қоидаси — умр фойдаси**

*5124 километр йўллар кўрикдан ўтказилиб, 241 километр йўлкалар таъмирланди.*

# Хавфсизлигимизга ҳаммамиз масъулмиз

*Хабарингиз бор, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, бу борада амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини ошириш, транспорт ва пиёдалар, жумладан, болалар иштирокидаги ЙТҲларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш, транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини яхшилаш ва ушбу масалаларга кенг жамоатчиликнинг, турли ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг эътиборини қаратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан 2013 йилнинг 15 декабридан 2014 йилнинг 15 январига қадар республикамиз ҳудудида «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилди.*

***ДЙҲХБ бошқармаси масъул ходими Мансур РИХСИЕВ ойлик якунлари, хулоса ва натижалар тўғрисида қуйидагиларни сўзлаб берди.***



— Тадбир давомида йўлларда содир этилаётган қоидабузарликларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларни жадаллаштириш мақсадида ДЙҲХХ ходимлари томонидан махсус рейдлар, текширувлар ўтказилди. Тадбирларда қоидабузарлик содир этаётганлар аниқланиб, уларга нисбатан кескин чоралар кўрилди. Жумладан, ўтказилган тадбирда Навоий вилояти ИИБ ЙҲХБ ЙПХ инспекторлари томонидан «Матиз» русумли 85 A 920 BA давлат рақам белгили автомашина тўхтатилди. Текширув вақтида ҳайдовчи ноқонуний равишда, тегишли лицензиясиз аҳолига пуллик хизмат кўрсатаётганлиги аниқланди ва унга нисбатан ўрнатилган тартибда маъмурий баённома тузилди.

Самарқанд вилояти ИИБ ЙҲХБ ЙПХ инспекторлари томонидан ноқонуний равишда қайта жиҳозланган «Дамас» русумли 30 D 905 GA давлат рақам белгили автомобиль тўхтатилди. Текширув вақтида ушбу ҳайдовчи аъзо бўлган «Рухшона Қўлдошевна» хусусий корхонаси масъуллари транспорт воситасини кунлик техник кўрикдан ўтказмасдан йўналишга чиқарганликлари аниқланди. Бундай масъулиятсизликка йўл қўйганлиги учун ушбу хусусий корхона механигига нисбатан маъмурий чора кўрилди.

Ойликни ўтказишга 6037 та ички ишлар идоралари ходимлари ва кенг жамоатчилик жалб этилди. Улар томонидан меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда, ўқув муассасаларида, аҳоли кўп тўпланадиган жойларда жами 426 мингдан зиёд суҳбат ва учрашувлар ўтказилди.

Махсус гуруҳлар томонидан 7820 та рейдлар ўтказилди ва 142387 та қоидабузарликлар аниқланди.

Тадбир давомида 5124 километр йўллар кўрикдан ўтказилиб, 241 километр йўлкалар таъмирланди. 731 та янги йўл белгилари ўрнатилди. 3739 та эскирган йўл белгилари алмаштирилди. 89448 та йўловчи ташувчи транспорт воситалари текширилиб, камчиликлари аниқланди. Жумладан, 1240 та техник носоз, 1093 та лицензиясиз йўловчи ташиган, 10607 та одам ташиш қоидасини бузган ҳайдовчилар аниқланди. Камчиликларга йўл қўйган 16593 та ҳайдовчи ва 290 та раҳбар ходимларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди.

Ҳаракат хавфсизлиги ойлигига бағишлаб ҳокимликларда 764 та йиғилиш ўтказилиб, уларда камчиликларга йўл қўйган 344 та маҳаллий ҳокимлик ва 486 та идора ҳамда ташкилотлар масъуллари муҳокама қилинди.

Маълумот ўрнида шуни таъкидлаш керак, 2013 йилда йўл-транспорт ҳодисалари 2012 йилга нисбатан 1,3 фоизга, унда ҳалок бўлганлар сони 0,2 фоизга, жароҳат олганлар сони 4,0 фоизга камайди.

Статистик маълумотлар шуни кўрсатдики, ойлик давомида қоидабузарлик ва ЙТҲлар сони кескин камайди. Демак, барчамизнинг шу муаммога бўлган эътиборимиз кучайганда нохуш ҳодисалар олди олинар экан.

Биз ҳаракат иштирокчилари йўлларимизда содир бўлаётган турли ҳодисаларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш фақатгина Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг вазифаси, деб билмасликларини истардик. Чунки, ҳар биримиз, аввало, ўз ҳаётимиз ва қолаверса, ўзгалар ҳаёти хавфсизлигига масъулмиз. Уйдан кўчага чиқдингизми, сиз йўл ҳаракати иштирокчисига айландингиз. Демак, белгиланган йўл ҳаракати қоидасига амал қилишингиз шарт ва зарур. Йўлда озгина шошилиш ёки бошқа қоидани бузиш ҳам кўнгилсиз воқеалар ёки фожиаларга сабаб бўлиши мумкинлигини унутмаслигимиз керак.

**Зуҳра ҲАСАНОВА ёзиб олди.**

**ЭЪЛОН**

***Масъулияти чекланган жамият шаклидаги***

**«TO‘RAQO‘RG‘ON SHIRINLIK AGRO»**

***хорижий корхонаси кредиторлари диққатига!***

Наманган вилояти, Тўрақўрғон шаҳри, Наманган кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган, Наманган вилоят Адлия бошқармаси томонидан 2013 йил 22 июлда 49-сон билан рўйхатга олинган МЧЖ шаклидаги «TO‘RAQO‘RG‘ON SHIRINLIK AGRO» хорижий корхонаси таъсисчиларнинг 2014 йил 20 январдаги 1-сон йиғилиш баёни қарорига асосан Устав фонди 9 032 125 290,57 сўмдан 6 621 313 290,57 сўмгача камайтирилишини маълум қилади.

Даъво ва эътирозлар Наманган вилояти, Тўрақўрғон шаҳри, Наманган кўчаси, 2-уйда қабул қилинади.

***Телефон:*** 8(369) 442-24-80.




# Марсга парвоз қилиш мумкин



## аммо уни ўзлаштириш...

Замонамизнинг ривожланган технологияси Марсга одам парвозини амалга оширишга қодир, бироқ бу Марсни ўзлаштиришни англатмайди. Уни ўзлаштиришга ҳозирча инсоният ожиз, дея интервью берди «Роскосмос» космонавти Федор Юрчихин «Новости» ахборот агентлиги журналистига.

Унинг айтишича, бугунги технология Марсга парвоз қилиш имконини беради ва 9 ойда сайёрага етиб боришга ҳам қодир. Аммо кейин-чи? Бир вақтлар Ер йўлдоши Ой ҳам ерликлар томонидан забт этилган, аммо у ҳануз кишилик жамияти учун «ўлик» самовий йўлдошлигича қолмоқда. У ерда тадқиқотларни ҳалигача роботлар олиб бормоқда.

«Қизил сайёра»ни эса забт этиш эмас, балки ўрганиш жоиз. Буни эса уч босқичда амалга ошириш мумкин. Биринчи босқичда Ерда туриб Марсни кузатиш ва тадқиқотлар ўтказиш, унинг географияси, геодезияси ва метеорологиясини ўрганиш лозим. Ҳозир «NASA» айнан шу ишлар билан шуғулланмоқда. Иккинчи босқичда Марсга роботларни жўнатиш ва улар ёрдамида сайёрани ўзлаштириш учун «плацдарм» тайёрлаш жоиз. Айнан шу босқичда сув ва кислород олиш учун шароит яратиш, йўлдошли тизимлар навигациясини йўлга қўйиш керак бўлади. Ва шундан кейингина одам парвозини амалга ошириш мумкин бўлади.

# Замонамиз коммуникацияси



## Колизейга зарар етказмоқда

Дунёнинг 7 мўъжизасидан бири деб тан олинган Рим шаҳридаги 2000 йиллик тарихга эга Колизей минорасини аянчли қисмат кутмоқда. Гап шундаки, у Пиза минораси сингари бир томонга оға бошлаган.

Мутахассислар ўлчовларида антик даврда гладиаторлар жанги ўтказилган мазкур обиданинг асосий деворлари тахминан 40 сантиметр пастга эгилганлиги қайд қилинган. Уларнинг айтишларича, йилига 4 миллион сайёҳни қабул қилувчи Колизей атрофидан метро ва катта автомобиль йўли ўтган. Айнан шу транспорт воситалари қатнови туфайли мунтазам юзага келадиган силкинишлар бинога шикаст етказмоқда.

# Цунамининг



## болалар руҳиятига таъсири

2011 йили Японияда юз берган вайронкор цунами фожиасига бевосита гувоҳ бўлган боғча ёшидаги болаларнинг ҳар тўрт нафаридан бири руҳиятида бугун муаммолар пайдо бўлмоқда. Улардаги «синиқлик» ҳатто бутун умр сақланиб қолиши ҳам мумкин, дейишмоқда психологлар.

«The Australian» газетаси хабар қилишича, 3-5 ёшли болаларнинг 25,9 фоизи бош айланишидан, бош оғриғидан ва кўнгил айнишидан шикоят қилмоқда.

Япония Соғлиқни сақлаш вазирлиги расмий баён қилишича, бу болалар ўз яқинларини, ўртоқларини йўқотган, ўта баланд ва баҳайбат бузғунчи сув девори борлиқни қандай вайрон қилганини ўз кўзлари билан кўргани улар руҳиятига кучли таъсир кўрсатган. Бу болаларга ҳозирдан ёрдам кўрсатилмас экан, кейинчалик улардаги мазкур муаммо янада жиддийлашиши эҳтимолдан холи эмас. Айниқса, улар мактабга киргач, дарсларни ўзлаштиришда қийналиши мутахассислар томонидан таъкидланмоқда.

# Анорни емабсиз

## дунё гаштини сурмабсиз

«Zee News» газетаси хабар беришича, анор антиоксидантларга бой бўлиб, киши саломатлиги учун ўта фойдали эканлиги қайта тасдиқланди. Айниқса, унинг шарбати юрак ҳуружи ва инсультнинг олдини олиши билан ажралиб туради. Негаки, анор суви томирларда ҳосил бўладиган «тромб»ларни ўзига сўриб олади.

Бундан ташқари, қондаги шакар ва холестерин даражасини меъёрда сақлай олиши парҳезшуносларни қувонтирмоқда. Чунки анорда калория паст бўлиши билан бирга холестерин ва ёғ умуман йўқ.

Бир қанча тадқиқотлар шуни кўрсатдики, у кўкрак саратони ҳужайраларини парчалаб юборар экан. Шунингдек, унинг қонни суюлтира олиш даражасининг юқорилиги аспирин билан тенглашиш хусусиятини намоён этади. Бу эса қон босими бор кишилар учун ўта фойдали эканлигидан дарак.

Яна бир фойдаси жароҳатларни тез битиради, теридаги доғларни парчалайди.

Болалар спорти

*Мазкур маскан тарбияланувчилари 2013 йилда нуфузли мусобақаларда 14 олтин, 16 кумуш ва 23 бронза медални қўлга киритди.*

# Келажакнинг мустаҳкам пойдевори



ЎзА олган суратлар.

**Юртимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ва бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар натижасида ёшлар ўртасида спорт тобора оммалашмоқда. Буни Навоий шаҳридаги 5-олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мисолида ҳам кўриш мумкин.**

— Спорт билан мунтазам шуғулланадиган бола жисмонан соғлом, бақувват, айни пайтда мустақил фикрлайдиган, ўзига ишонган, интилувчан, тартиб-интизомли бўлади, турли салбий иллатлардан йироқ юради, — дейди **спорт мактаби директори Тўймурод Адизов.** — Бугунги кунда болалар, айниқса, ота-оналарнинг спортга муносабати тубдан ўзгарди. Эндиликда ота-оналар ўз фарзандининг спорт билан шуғулланишига келажагининг мустаҳкам пойдевори сифатида қарамоқда. Мактабимизда ҳозирда етти юз нафардан зиёд ўғил-қиз курашнинг миллий, эркин, юнон-рум, белбоғли, самбо ва дзюдо турлари билан шуғулланяпти. Шогирдларимизнинг юз нафардан ортиғини қизлар ташкил этади. Ҳозирда нафақат Навоий шаҳрида, балки Кармана, Навбаҳор, Нурота, Хатирчи сингари туманларда ҳам филиалларимиз фаолиятини йўлга қўйганмиз.

Мазкур маскан тарбияланувчилари 2013 йилда нуфузли мусобақаларда 14 олтин, 16 кумуш ва 23 бронза медални қўлга киритди.

— Уч йилдан бери эркин кураш билан шуғулланаман, — дейди Шерзод Шамсиддинов. — Ҳар бир спортчи каби мен ҳам жаҳон чемпиони бўлишни, Олимпия ўйинларида юртимиз байроғи остида шоҳсупага кўтарилишни орзу қиламан. Ўсмирлар ўртасида икки марта Ўзбекистон чемпионатида олтин медалга сазовор бўлдим. Ўтган йили Украина ва Грузия давлатларида ўтказилган халқаро турнирлардан ғолиб бўлиб қайтдим. Бунинг учун, аввало, бизга етарли шароитларни яратиб берган Президентимизга, устозларимга раҳмат айтаман.

Мактабимиз маҳоратимизни янада ошириш учун барча қулайликларга эга. Дарсдан бўш вақтимнинг асосий қисми шу ерда ўтади. Спорт залидан кетгим келмайди.

Мактабда Шерзод сингари истеъдодли ва умидли спортчилар талайгина. Таълим маскани жамоаси бир неча карра Ўзбекистон чемпиони, Осиё ва жаҳон чемпионатлари совриндорлари, нуфузли халқаро турнирлар ғолиблари Мафтуна Эсонова, Холнисо Ҳамроева, Лобар Қобилова, Мафтуна Сувонова, Баҳодир Аслонов сингари йигит-қизлари билан ҳақли равишда фахрланади.

— Фарзанди соғлом бўлишини орзу қилмаган ота-она бўлмаса керак, — дейди навоийлик Дилшод Мамаражабов. — Етти яшар ўғлим Муҳаммаджоннинг эркин курашга ҳаваси борлигини пайқаб, шу спорт мактабига етаклаб келдим. Мана бир йилдирки, у мураббий Тўймурод Адизов қўлида эркин кураш билан шуғулланаяпти. Қисқа вақтда ўғлимнинг дарсларни ўзлаштириши ижобий томонга ўзгаргани, жисмоний тетиклашганидан мамнунман. Тўғри, ҳар бир спортчи жаҳон чемпиони бўлолмас, аммо фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб улғайишига ҳар бир ота-она масъул ҳисобланади.



Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганларидек, шаҳару қишлоқларимизда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етмоқда. Фарзандларимизнинг иродаси тобланмоқда, турмуш тарзи, дунёқараши ўзгармоқда.

Спорт соғлом авлод, соғлом келажак деганидир. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Спорт



# Олти боксчимиз

## *ярим финалда!*

**Шу кунларда Бангкок (Таиланд)да бокс бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионати қизғин давом этмоқда. Унда қитъамизнинг йигирмадан зиёд давлати вакиллари орасида мамлакатимиз ёш «чарм қўлқоп» усталари ҳам қатнашяпти.**

Айни пайтда баҳсларга киришган ўн нафар умидли спортчимиздан саккиз нафари мусобақани муваффақиятли давом эттирмоқда. Улардан олти нафари, жумладан, Абдулҳай Шораҳматов (52 кг), Фазлиддин Мелибоев (60 кг), Маҳмуд Ғоипов (64 кг), Бектемир Мелиқўзиев (69 кг), Козимбек Мардонов (75 кг) ва Азиз Шукуров (81 кг)нинг ярим финал босқичига йўлланмаларни қўлга киритганлиги, айниқса, қувонарлидир.

Бу қитъа чемпионатининг камида олтита бронза медали терма жамоамиз учун нақд деганидир.

**Самандар БОБОРАЖАБОВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**

Таълимга эътибор — келажакка эътибор

# УНИВЕРСИТЕТНИНГ

## *янги биноси*



***Суратда:*** университетнинг асосий биноси.

**Истиқлол йилларида Термиз давлат университети моддий-техникаси базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.**

Президентимиз ташаббуси билан институтдан университетга айлантирилган бу илм масканининг замонавий янги биноси бунёд этилди. Ўқув-лаборатория хоналари жаҳон талабларига жавоб берадиган жиҳозлар билан таъминланди.

Яқинда эса филология факультетининг янги биноси фойдаланишга топширилди. 1250 ўринга мўлжалланган муҳташам иншоотнинг қурилишига 9 миллиард 271 миллион 500 минг сўм маблағ сарфланди.

— Ўз даврида кўримсиз бўлган бу даргоҳ бугун ўзгача қиёфа касб этди, — дейди **ТерДУ ўқитувчиси Муҳайё Ҳамроева.** — Шу билан бир қаторда, таълим сифати ва самарадорлиги ҳам йил сайин яхшиланмоқда. Дунёнинг 20 га яқин хорижий давлатлари билан мунтазам алоқалар ўрнатилган.

Келажакда 400 ўринга мўлжалланган талабалар турар жойи, ахборот-ресурс маркази қурилиши кўзда тутилмоқда.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Эълон

EMMM

**Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва меҳмонлари диққатига!**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Электромагнит мослашув маркази огоҳлантиради:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузайтиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузатгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича Электромагнит мослашув маркази ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилишингиз мумкин.

*БИЗНИНГ МАНЗИЛЛАР:*

**Тошкент шаҳри,** Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», тел. 230-61-13, 120-30-22.
**Андижон шаҳри,** Чўлпон шоҳ кўчаси, 5-уй, 49-хонадон, тел. 8-371-230-64-65.
**Бухоро шаҳри,** академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, тел. 8-371-230-64-66.
**Жиззах шаҳри,** Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, АТС-4 биноси, тел. 8-371-230-64-68.
**Нукус шаҳри,** Ерназар Алакоз кўчаси, ШАТС биноси, тел. 8-371-230-64-75.
**Қарши шаҳри,** 2-микрорайон, 43-уй, 62-хонадон, тел. 8-371-230-64-78.
**Навоий шаҳри,** Амир Темур кўчаси, 4-уй, 802-хона, тел. 8-371-230-64-69.
**Наманган шаҳри,** Марғилон кўчаси, 8-а уй. 2-корпус, 54-хонадон, тел.8-371-230-64-72.
**Самарқанд шаҳри,** Сельский, Колбоғ п/б, ТРНС, тел. 8-371-230-64-80.
**Термиз шаҳри,** 5-кичик даҳа, 1-уй, 16-хонадон, тел. 8-371-230-64-79.
**Гулистон шаҳри,** Мустақиллик кўчаси, 54-уй, тел. 8-371-230-64-67.
**Фарғона шаҳри,** Алишер Навоий кўчаси, 37-г уй, 36-хонадон, тел. 8-371-230-64-74.
**Урганч шаҳри,** Нажмиддин Кубро кўчаси, 7-уй, тел. 8-371-230-64-77.

ОБ-ҲАВО *29-30 — 01. 2014*

*Юртимиз бўйлаб (°С)*

| | | |
|---|---|---|
| *Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти* | -10 / -15 | -5 / -10 |
| *Бухоро ва Навоий вилоятлари* | -10 / -15 | -5 / -10 |
| *Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари* | +3 / +8 | +3 / +8 |
| *Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари* | +8 / +13 | +8 / +13 |
| *Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари* | +3 / +8 | +3 / +8 |
| *Тошкент шаҳри* | +6 / +8 | +2 / +4 |

*Дунё бўйлаб (°С)*

| | |
|---|---|
| Лондон | +8 / +10 |
| Париж | +8 / +7 |
| Москва | -11 / -13 |
| Мадрид | +11 / +11 |
| Пекин | +6 / +12 |
| Канберра | +36 / +35 |
| Рим | +14 / +16 |
| Афина | +15 / +14 |
| Токио | +12 / +11 |
| Стокгольм | -3 / -2 |
| Кейптаун | +34 / +35 |
| Қоҳира | +27 / +30 |
| Гавана | +27 / +29 |
| Вашингтон | +2 / +8 |

Самарқанд шаҳар «Юридик маслаҳат» адвокатлик бюросига (ИНН 206956407) тегишли, Самарқанд шаҳар ДСИда рўйхатга олинган 1 дан 106 гача рақамлардаги мухрланган патталар, 000051дан 000075 гача рақамлардаги адвокатлик ордери, думалоқ мухр ва бурчакли тамға ҳамда бошқа бюро ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-54-55; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.*

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 160
*21183 nusxada bosildi.*

*Nashr ko'rsatkichi – 220*
*t — Tijorat materiallari*
O'zA yakuni — 20.30
Topshirilgan vaqti — 23.50

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Abdusalim MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5